



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 4 июль, № 133 (8756)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШХТнинг Остона Саммити олдида Самарали мулоқотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва «ШХТ плюс» форматидаги учрашувда иштирок этиш учун Остона шахрига келди.



Остона халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу куни Остона шахрида ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Хитой Раисига Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислохотларни қатъий қўллаб-қувватлаётгани ҳамда

мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Этакчилар кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан ютуқларга эришилганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Хукуматлар, парламентлар, ташқи

сиёсат ва тармоқ идоралари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Йил якунига қадар Ташқи ишлар вазирлари стратегик мулоқотнинг иккинчи йиғилишини Тошкент шахрида ўтказиш режалаштирилган. Яқин кунларда Хитой парламентининг юқори даражадаги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи кутилмоқда.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Утган йили товар айирбошлаш ҳажми 14 миллиард долларга етди. Яқин истикболда бу кўрсаткични

20 миллиард долларга етказиш имкониятлари қайд этилди.

Инвестиция лойиҳаларининг жорий портфели 50 миллиард доллардан ошган. Шу йил бошидан буён мамлакатимизда 3 миллиард доллардан зиёд Хитой сармоясига ўзлаштирилиб, 500 дан ортқ янги қўшма корхона ташкил этилди.

Инфратузилма, соноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва «яшил» энергетика соҳаларида стратегик ҳамкорлик дастурларини қабул қилишни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Яқинда Жиззах вилоятида Ўзбекистон — Хитой технопарки ишга туширилгани ва минтақамизда биринчи бўлиб «BYD» электромобиллари ишлаб чиқарила бошлангани мамнуният билан қайд этилди.

Хитойнинг етакчи молиявий тузилмалари билан ҳамкорлик кенгаймоқда. Хусусан, «Ипак йўли» жамғармаси билан инвестиция платформаси яратилди, Хитой Эксимбанки кўмагида пойтахтимизда Олимпия шаҳарчаси қурилиши аяқланмоқда. Ушбу банкнинг Тошкент шахрида худудий филиали очилиши кутилмоқда.

Худудлараро алмашинувлар фаоллашгани юқори баҳоланди. Йил бошидан буён мамлакатимизнинг барча худудлари раҳбарлари бир неча бор Хитойга ташриф буюрди, Шинжон-Уйғур автоном райони, Анхой, Цзянси, Цзянсу, Чжэцзян, Шандун, Шэньси ва Шанхай музофотлари делегациялари Ўзбекистонда бўлди.

Пекин, Урумчи ва бошқа бир қатор шахарларда савдо уйлари очилди.

Келгуси йилда иккинчи Худудлар форуми ўтказилиши белгилан олди.

Президентимиз ХХР Раисини камбағалликка қарши курашиш соҳасида амалий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаётгани алоҳида таъкидлади.

Бу муҳим йўналишда тажриба алмашиш бўйича узоқ муддатли дастур қабул қилиш тақлифи билдирилди.

«Бир макон, бир йўл» ташаббуси

доирасида транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва минтақани ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга бўлган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистон томонининг «ягона Хитой» сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва «уч ёвуз куч»га қарши курашиш борасидаги позицияси ўзгармас экани тасдиқланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, «Марказий Осиё — Хитой» формати ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар доирасидаги яқин ҳамкорлик давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари ХХР етакчисига ШХТга раислик даврида катта муваффақиятлар тиллади.

Туризм, илм-фан, таълим, кадрлар тайёрлаш ва хитой тилини ўрганиш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Яқинда Тошкентда Марказий Осиёдаги Конфуций институтлари форуми бўлиб ўтди. Мамлакатимизда ХХР олий ўқув юртлари филиалларини очиб, Хитойнинг профессионал таълим тизими — «Лу Бан устахонаси»ни кенг жорий этиш режалари белгиланди. Иккинчи Таълим форумини келгуси йилда ўтказиш тақлифи билдирилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти ХХР Раисини мамлакатимизга ташриф билан келишга тақлиф этди.

Учрашув ҳар доимгидек ўзаро ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислот Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини, энг аввало, савдо-иқти-

содиёт, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги мулоқотлар фаол давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва юк ташвиш ҳажми, қўшма корхоналар сони ортмоқда.

Давлатимиз раҳбари Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун қулай шароитларни шакллантириш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика, кимё ва бошқа тармоқларда лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи 2025-2026 йилларга мўлжалланган Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш муҳим экани қайд этилди.

Жорий йилда Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, бизнес форуми ва саноат кўргазмасини ўтказишга келишиб олинди.

Трансафгон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишда бир-галликдаги савдо-ҳаракатлар зарурлиги таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ШХТнинг 4 июль куни бўлиб ўтадиган саммити кун тартибидан ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ўрин олган. Халқаро ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш якунида Остона декларацияси ҳамда иқтисодиёт, хавфсизлик, экология, энергетика, туризм ва бошқа кўплаб йўналишларда шерикликни кенгайтириш бўйича ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 23 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган

Ушбу Қонун билан «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, уларга биноан «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишга доир фаолият лицензияланадиган фаолиятнинг алоҳида тури сифатида белгиланмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитаси мазкур соҳадаги лицензияловчи ваколатли орган сифатида белгиланмоқда.

Бундан ташқари «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолиятга лицензия берганлик учун тўланадиган давлат божи ставкаси микдорини белгилловчи қўшимча киритилмоқда.

Ушбу Қонун «Умра» зиёратини амалга оширадиган фуқароларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда бундай фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда.)

Сенат Кенгашида

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИДА ҚАНДАЙ КАМЧИЛИКЛАР БОР?

Олий Мажлис Сенати Кенгаши мажлисида репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама марказида бўлди.

Сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этган тадбирни Олий Мажлис Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат ишчи гуруҳи томонидан репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича худудларда амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари танқидий кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакат бўйича оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўна-

лишида 22,3 минг ўринга эга 230 та тугуруқ муассасаси ҳамда 13,3 минг ўринга эга 245 та педиатрия муассасаси самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жойлардаги бирламчи тиббиёт ва санитария ёрдами муассасаларида режа асосида шу йилнинг 5 ойи давомида 9,2 миллиондан зиёд туғиш ёши-

даги аёлларнинг 4,3 миллион нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 1,4 миллион нафариди экстрагенитал касалликлар аниқланган ва 877,5 минг нафари амбулатор, 102,2 минг нафари стационар шароитда соғломлаштирилган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Назорат-таҳлил фаолияти депутатлар муҳокамасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир бир қатор қонун лойиҳалари ҳамда парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Фарзандларимиз камолотига эътибор — устувор вазифа

Мажлисида депутатлар Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари — Мактабгача таълим агентлиги директори А. Шиннинг «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш мақсадида мактабгача таълим ташкилотларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, замонавий таълим дастурлари ва технологияларни татбиқ этиш бўйича амалга оши-

риланган чора-тадбирлар тўғрисида» Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавобини кўриб чиқди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган жами 33 942 та боғчанин 27 162 таси нодавлат таълим ташкилоти ҳисобланади.

Парламент сўровига берилган жавобда ҳозирда Давлат бюджетидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига иш ҳақи ҳаражатларини қоплаш учун субсидиялар қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилиб келинаётгани маълум қилинган.



Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларини самарали бажармоқда

Ўзбекистон ташқи сиёсатида миллий манфаатлардан келиб чиқиб нафақат хорижий давлатлар, балки йирик халқаро ташкилотлар билан ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Акс сўзи

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги алоқалар тобора кучайиб бораётгани мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ва унинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ин-

тилишларини намён қилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг тақлифига биноан БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг юртимизга бу галги ташрифи Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятида юксак ишонч ва эътироф мавжудлигидан дарак беради.

БМТ Бош котиби давлатимиз раҳбари билан учрашувда мамлакатимизга илк бор 20 йил аввал, иккинчи марта эса Президентлик фаолиятига энди киришган пайт келганини таъкидлаб, Юртбошимиз бошчилигида қилинган ишлардан хайратда эканини билдирди.

Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини таъминлаш каби қатъий ривожланиш йўлидан собиққадамлик билан бораётганини алоҳида таъкидлади. Шу ўринда инсон ҳуқуқлари

Ўзбекистонга 2002 йилдан буён «Жаслик» қамқоққонсини ёпишни тасвია этиб келди. Ниҳоят, Президентимизнинг 2019 йил 2 августдаги қарори билан Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслик кўрғонидида жойлашган 19-сон иختисослаштирилган жазони ижро этиш колонияси туғатилди. Уша пайтданок халқаро ҳамжамият мамлакатимиз етакчисининг мазкур қарорини Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ижобий янгиллик сифатида баҳолади.



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЎзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги УРҚ-600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар) **илованинг 28-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

28. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси томонидан лицензияланганлик учун тўланадиган давлат божи:	
а) диний таълим муассасаларининг фаолияти –	БХМнинг 10 баравари
б) «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият –	БХМнинг 10 баравари

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги УРҚ-701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4,

340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710, №11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-илова:**
45-позициясининг «Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар» деган **устунидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин; қуйидаги мазмундаги **51-позиция** билан тўлдирилсин:

51.	«Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият учун лицензия	«Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишга доир фаолият.	Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси
-----	---	--	--

2) **2-илова** қуйидаги мазмундаги **123-позиция** билан тўлдирилсин:

123.	Давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома	Давлат харидларининг субъектларига давлат харидлари электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
------	---	---	---

3) **4-илованинг:**
1 бўлими қуйидаги мазмундаги **44-позиция** билан тўлдирилсин:

44.	«Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият учун лицензия	200
-----	---	-----

II бўлими қуйидаги мазмундаги **113-позиция** билан тўлдирилсин:

113.	Давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома	200
------	---	-----

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳамда бошқа маънафдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ушбу ўтган кунга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 2 июль
№ УРҚ-935

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича
мажбуриятларини
самарали бажармоқда

Аҳамиятлиси, бу боладаги ишлар шунинг ўзи билан кифояланмади. Яъни бу Ўзбекистоннинг қийнок ҳолатларининг олдини олиш сари ташлаган дастлабки қадамларидан бири эди.

Маълумки, 2002 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 57/199-резолюцияси билан Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенцияга доир Факультатив протоколи олиш миллий превентив механизми (МПМ) ташкил этилиши назарда тутилган эди. 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегияси доирасида 2019 йилда Омбудсман ҳузурида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олиш бўйича миллий превентив механизми йўлга қўйилди. Шундан сўнг харақатлаштирилган чекланган ёпиқ муассасаларга Омбудсман ва жамоатчилик вакилларининг мунтазам равишда кириши ва у ерда сақланган фуқаролар шароитларини ўрганиши, улар билан мулоқот қилиши йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 июндаги «Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Омбудсман ҳузуридаги МПМ фаолияти янада такомиллаштирилди. Натيجида қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилишга эришилди. Мониторинг ташрифлари давомида аниқланаётган камчиликлар юзасидан таҳлилий маълумот ва ахборотлар, хулоса ва тақдимномалар ҳамда талабномалар тайёрланиб, мутасадди вазирлик ва идораларга кўриб чиқиш учун юборилмоқда. Бундан ташқари, ушбу мониторинг натижалари Вакилнинг Олий Мажлиси палаталарига тақдим қиладиган йиллик ахборотида ҳам акс этади.

Шу билан бирга, қийноқ ҳолатларига йўл қўйган ходим-

ларга нисбатан жазо чоралари оғирлаштирилиб, ҳатто уларга нисбатан афв қўлланилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Қолаверса, мансабдор шахсларнинг ноқонуний харақатлари учун жавобгарликка тортиш мақсадида қонунчиликка алоҳида модда киритилди ва қийноқни қўллаган шахсга нисбатан оғирлаштирувчи нормалар қўлланилиши белгиланди. Жиноят кодексининг 235-моддаси қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жиноий жавобгарликни назарда тутди. Бу каби нормалар қўллаб-қувватлар қонунчилигида мавжуд эмас.

Қолаверса, умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Бош қўмитасида инсон қадр, манфаати учун хизмат қиладиган нормалар аввалгисидан уч бараварга кўпайди. Хусусан, агар шахсининг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги олий юридик мақомага эга бўлган ҳужжатда қатъий белгиланди. Бу қийноқ ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиларни бартафат этишга қаратилган муҳим қадамдир.

Юқорида қайд этилган тизимли ислохотлар фақатгина бир йўналишга тегишли ҳолос. Яна бир муҳим жиҳат. Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, оиладаги зўравонликка қарши курашиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенглигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали натижаларга эришилгани кўп бора халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ томонидан ҳам мунтазам эътироф этилаётган.



Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси қабул қилиниши ва улар изчил ижро этилмоқда.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ўтган давр мобайнидаги қузатувлари мисолида бу жараёнларга таъриф берар экан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислохотлар халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, қолаверса, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла мос келиши, жумладан, БМТнинг 2030 йилга қадар белгиланган кун тартиби айнан Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган стратегик режага ҳамоҳанг эканига гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича илғор тажрибаси бор, деб қатъий айтиш мумкин. Бунинг халқаро ҳамжамият эътирофи э-томқда ҳамда намуна сифатида кўрсатилмоқда. Халқимиз эса ушбу ўзгаришлар таъсирини ўз ҳаётида, турмуши қирқинчи э-томқда ҳамда намуна сифатида кўрсатилмоқда. Халқимиз эса ушбу ўзгаришлар таъсирини ўз ҳаётида, турмуши қирқинчи э-томқда ҳамда намуна сифатида кўрсатилмоқда. Ишончимиз комилки, қисқа вақт давомида эришган ютуқларимиз бундан буён ҳам изчил давом этирилади, инсон қадрини тобора юксалиб бораверади.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Кореялик тадбиркорлар Фарғонада

Корея Республикасининг бир қатор компаниялари ёғоч чиқиндилари ва қишлоқ хўжалигининг қўшимча маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда биоэнергия ишлаб чиқариш тақдирини билан Фарғона вилоятининг Фурқат туманида бўлди.

Интилиш

Маълумки, шу йилнинг 14-15 июнь кунлари Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон — Корея бизнес форуми доирасида ушбу истиқболли лойиҳа юзасидан ўзаро келишувга эришилган.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Шу муносабат билан ташкил этилган учрашувда Фурқат тумани ҳокимлиги ҳамда «Korea Investment & Securities», «Korea Western Power», «Korea Institute for Climate Change» компаниялари томонидан мазкур лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида меморандум имзоланди.

Дастлаб умумий қиймати 3 миллион доллар бўлган биочикиндилардан брикет ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳаётага татбиқ этилди. Кейинги босқичда иқтисодиёт тармоқлари учун муҳим манба бўлган мубокиб энергия ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Умуман, шериклик учун тақлиф этилган йўналишлар кўп. Масалан, яқин йилларда Қирғизистон — Хитой — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасининг амалга оширилиши Ўзбекистон ва Мўғулистон маҳсулотларининг жаҳон бозоридида рақобатбардорлигини янада кучайтиради. Зеро, бу йўл энг самарали ва қисқа транспорт йўлиги ҳисобланади. Шунинг учун Қирғизистон ва Хитой орқали ўтадиган транспорт йўлакларини биргаликда таҳлилдан ўтказиш тақлиф қилинди.

Икки томонлама муносабатлар
тарихида ёрқин саҳифа

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва очик ташқи сиёсатининг фаоллашуви натижасида хорижий мамлакатлар билан кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлашда салмоқли ютуқларга эришилди. Шу маънода, Президент Ухнаагийн Хурэлсухнинг юртимизга яқинда амалга оширган илк ташрифи Ўзбекистон билан Мўғулистон кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришга бўлган ўзаро интилишнинг тасдиғи бўлди.

Мўғулистон биз учун Осий минтақасидаги аънанавий ва ишончли ҳамкордир. Алоқаларимиз ўзаро ҳурмат ҳамда қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган. Дўстлик ҳамиятларининг фаол ҳамкорлиги, ишбилармонлик ва халқаро алоқаларни кучайтиришга қаратилган лойиҳалар изчил ривожланаётгани сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларни мустақамлашга хизмат қилаётгани билан таҳсинга сазовор.

Мушоҳада

Айтиш жоизки, Мўғулистон ҳам Ўзбекистон каби денгизга тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга бўлмаган дунёдаги кам сонли давлатлардан бири. Ҳар икки мамлакат ҳам жиддий ислохотлар ўтказётган, иқтисодиётига сармояларни жалб этишга киришган давлатлар ҳисобланади.

Томонлар ҳар икки мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига дахлдор масалаларда бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлаб, барча соҳада самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Мўғулистон Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ва тегишли баённомани имзолаган дастлабки давлатлардан бири.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қишлоқ хўжалиги Мўғулистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари. Мис, кўмир, молибден, қалай, вольфрам, кумуш, қўрғошин, олтун саноат ишлаб чиқаришининг асосидир. Уран рудаси, кўмир, кийим-кечак, жун, тери ва чорва гўштини экспорт қиладиган. Шу нуқтаи назардан, ташриф доирасида қўллаб-қувватлаган келишувларга эришилди. Хусусан, музокаралар чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, яқин йилларда ўзаро савдо ҳамини, энг аввало, талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажминини кенгайтириш ҳисобига 5 — 10 баробарга кўтариш борасида келишиб олинди.

Учрашувда истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилиб, амалий алоқаларни янада кенгайтириш борасида аниқ тақлифлар билдирилди. Жумладан, икки давлат пойтахтларида ўзаро саноат кўргазмалари ўтказиш бўйича келишувга эришилган таҳсинга лойиҳа, Давлатимиз раҳбари ўрта муддатли Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Ҳамкорликнинг бир қатор йўналишлари аниқлаб олинди. Бу — геологик қидирув, хомашё ресурсларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва кадрлар тайёрлашни ташкил этиш. Мўғулистондан гўшт ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни импорт қилиш, шунингдек, Ўзбекистондан товуқ гўшти, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича тақлифлар тайёрланди. «Халол» стандартларига мувофиқ гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган кластер ташкил этиш ва минтақадаги мамлакатларга экспорт қилиш режалари қўллаб-қувватланди. Бу йўналишда чорвачилик соҳасида илмий-тадқиқот институтлари ўртасида алоқаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Агар бу икки салоҳиятли мамлакат кучларини бирлаштирган ҳолда учинчи давлатларга ўз маҳсулотларини чиқаришни бошласа, бундан иқтисодиётларимиз катта наф қўради.

Умуман, шериклик учун тақлиф этилган йўналишлар кўп. Масалан, яқин йилларда Қирғизистон — Хитой — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасининг амалга оширилиши Ўзбекистон ва Мўғулистон маҳсулотларининг жаҳон бозоридида рақобатбардорлигини янада кучайтиради. Зеро, бу йўл энг самарали ва қисқа транспорт йўлиги ҳисобланади. Шунинг учун Қирғизистон ва Хитой орқали ўтадиган транспорт йўлакларини биргаликда таҳлилдан ўтказиш тақлиф қилинди.

Тошкентдаги мулоқотлар якунига кўра жами 14 та ҳужжат имзоланди. Уларнинг аксарияти иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, мамлакатларимиз бир-бирини самарали тўлдирishi мумкин бўлган тармоқларда саноат кооперациясининг аниқ йўналишлари ҳам белгиланди.

Тошкентда Ўзбекистон ва Мўғулистоннинг бир қатор компаниялари вакиллари иштирокида ишбилармонлик алоқаларини мустақамлашга қаратилган учрашув илк бор ўтказилди. Бундай мулоқот яқин йилларда ўзаро савдони, энг аввало, хариддоргир маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажминини кенгайтириш орқали каррасига ошириш имконини берди. Бу Мўғулистонга озиқ-овқат, ўғитлар, дори-дармонлар, маиший техника, пластмасса ва резина, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик ва пойабзал маҳсулотлари экспорти, юртимизга эса гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тери, жун ва бошқа тайёр маҳсулотларни импорт қилиш, асосийси, мўғул компаниялари билан саноат кооперациясини ривожлантириш имкониятидир.

Қолаверса, икки давлат иқтисодиётининг бир-бирини самарали тўлдирishi қодир соҳаларида ўрта муддатли кооперация дастурини қабул қилиш бўйича келишувга эришилди. Бу, биринчи навбатда, геологик қидирув, бой хомашё ресурсларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик ўрнатишни ўз ичига олади. Мазкур стратегия соҳада биринчи йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ тақлифлар тайёрланди.

Томонлар хусусий бизнес ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини тасдиқлади. Яъни бугун мавжуд салоҳият ва имкониятлардан фойдаланиш вақти келди. Мўғулистоннинг «Таван Богд» холдингнинг Тошкент шаҳрида Япониянинг «Fuji Film» корпорациясининг сунъий интеллектга асосланган илғор ускуналаридан фойдаланган ҳолда ультразамонавий диагностика марказини очига қиритган инвестициялари, шунингдек, «Mongol Basalt» корхонаси томонидан Жиззах вилоятида базальт конларини ўзлаштириш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қиритган сармоялари иқтисодий жаҳадаги ҳамкорликнинг ижобий намуналари сирасига қиради.

Хуллас, икки давлат, икки халқ ўртасидаги дўстона, ҳар томонлама конструктив муносабатни тизимли равишда, изчил мустақамлаб

бориш бўйича режалар улкан, мақсадлар уйғун. Дейлик, чорвачилик соҳасида ҳам ҳамкорликни кенгайтириш мамлакатларимиз манфаатларига жавоб беради. Бугунги кунда Мўғулистонда чорва моллари сони 68 миллион бошга етган. Биргаликда кластерлар ташкил этиш орқали Мўғулистонда сифатли гўшт маҳсулотлари ҳажминини бир неча баробар ошириш мумкин.

Эътиборлиси, Мўғулистон иқтисодиёти жадаллик билан ўсаётган давлатлардан бири. Мамлакат халқ хўжалигига тўғридан-тўғри инвестиция микдори 2022 йилдаги 2,5 млрд. доллардан 2024 йилда 4 млрд. долларга етказиш ниятида. 2023 йилда Мўғулистон иқтисодиёти 6,8 фоиз ўсган. Ушбу жараёнига тоғ-кон саноати ва хизмат кўрсатиш соҳалари салмоқли улуш қўшди. Яъни икки маҳсулотнинг 79 фоизини ташкил этувчи хусусий сектор сармояга муҳтож. Айни йўналишга Ўзбекистонлик сармоядорлар салмоқли инвестиция қиритиши мумкин.

Ташриф давомида ҳаво ва халқаро автомобиль алоқаси бўйича имзоланган битимлик икки давлат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш ва ишбилармонлик алмашинувларини фаоллаштириш учун мустақам асос яратди. Ўзбекистонда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, қонун устуворлиги ва хусусий мулк дахлқлиги таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ЖСТга қўшилиш жараёнини фаоллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани мўғул сармоядорларининг юртимизга қизиқишини оширади.

Ўзбекистон Мўғулистоннинг юқори технологик маҳсулотларга бўлган талабини қондиришга ва айни соҳага сармоя йўналтиришга қодир бўлган мамлакат саналади. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Ухнаагийн Хурэлсух Тошкент шаҳридаги Технопарк ташрифи буюрғани ҳам беҳиж эмас. Ушбу замонавий инновацион мажмуа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан саноат кооперациясини ривожлантириш ва юқори технология маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида барпо этилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 365 млн. доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялар эвазига 16 та ишлаб чиқариш майдони жойлашган. Технопарк корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги юқори технологик маҳсулотлар, жумладан, маиший техника, электрон ҳисоблагичлар, лифтлар, сув насослари, саноат кондиционерлари, советиш ускуналари Мўғулистон бозорига етказиб берилиши ва тадбиркорларимиз бу мамлакатнинг ўзида бундай маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни барпо этиши ҳам мумкин. Негаки, етакчи хорижий брендлар остида ва улар назоратида ишлаб чиқарилаётган бу товарларга ички ва ташқи бозорларда талаб катталиги шундай дейишимизга асос бўлади.

Мазкур тарихий ташриф халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларининг такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Янги босқичда ривожланаётган бу дўстона алоқалар амалий мазмун билан бойиб бораётганидан ҳар қанча фахрлансанк арзийди.

Мансур МАНСУРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Корпоратив бошқарув кафедраси мудир, DSc, доцент.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИДА ҚАНДАЙ КАМЧИЛИКЛАР БОР?



Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бирга Сенатнинг ҳудудларда олиб борилган ўрганишлари чоғида аниқланган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

Репродуктив саломатлик, оналик ва болалик масалалари бўйича республика штаби ва 14 та ҳудудий штаб фаолиятини ташкил этиш белгиланган. Бироқ штаблар фаолиятини расмийлик учун ташкил этил-

ган бўлиб, фақатгина ҳудудлардан статистик маълумотларни йиғиш ва юқори турувчи штабга тақдим этиш билан банд бўлиб қолган.

Соғлиқни сақлаш тизимининг туғуруққа кўмаклашувчи муассасаларида ҳомиладорларни кузатиш, туғуруқ жараёнида мутахассислар томонидан тасдиқланган клиник баённома ва стандартларга тўлиқ риоя қилинмагани ҳамда уларнинг малакаси етарли эмаслиги са-

бабли оналар ўлими кўрсаткичи ўрганилган ҳудудларнинг барчасида ошган.

Ҳомиладор аёл тўлиқ пренатал скринингдан ўтказилиши лозим бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2023 йилда ҳисобга олинган жами ҳомиладор аёлларнинг бор-йўғи 46,9 фоизи I триместрда (ҳомиладорликнинг 11-13,6 ҳафтаси) пренатал скринингдан ўтказилган. Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич 31,4 фоизи, Қашқадарё вилоятида эса 37,7 фоизи ташкил қилган, ҳолос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги қарори билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режасида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлими негизда туманлараро перинатал марказлар инфратузилмасини яхшилаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланган.

Аммо айрим туманлараро перинатал марказлар инфратузилмаси-

ни яхшилаш чоралари кўрилмаган ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланмаган.

Ҳомиладор, туғувчи, туққан аёллар ва янги туғилган чақалоқларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш мақсадида республикадаги туғуруққа ёрдам берувчи муассасаларнинг моддий-техника базасини халқаро стандартларга мувофиқ мустаҳкамлаш ва уларни зарур дори воситалари билан таъминлаш масаласи тўлиқ бажарилмаган.

Мажлис давомидо соҳа мутахассисларининг ушбу йўналишдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича тақлифлари тингланди.

Муҳожама жараёнида туғуруқ муассасаларида оналар ва гўдаклар ўлимининг камайтириш, туғуруқ ёшидаги аёллар тиббий кўригини сифатли ташкил этиш, бюджет маблағлари мақсадли сарфланишини назорат қилиш юзасидан қатъий чоралар белгиланди.

Мажлис ақунда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Делегациямиз ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ёзги сессиясида қатнашмоқда

Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Равшанбек Алимов бошчилигидаги мамлакатимиз парламенти делегацияси Бухарест (Руминия)да бўлиб ўтаётган ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг ёзги сессиясида иштирок этмоқда.

Ҳамкорлик

Тадбирдан ЕХХТнинг 53 та иштирокчи давлатидан 300 дан ортиқ парламент аъзолари ва ҳамкорлик бўйича шериклар қатнашмоқда.

Сессия доирасида Терроризмга қарши курашиш махсус кўмитаси мажлиси, Марказий Осиёда иқлим ўзгариши ва сув танқислиги муаммосига бағишланган семинар ўтказилди. Ассамблеянинг урта кўмитаси ййғилишларида иштирокчи давлатлар томонидан илгари сурилган резолюция лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Сессияда парламент аъзолари ЕХХТ Панинг Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигида илк бор ташаббус қилинган «Минтақавий ҳамкорлик ва парламент мулоқотини ривожлантириш орқали Марказий Осиё минтақасида иқлим ўзгариши ва сув танқислигининг кўп қиррали оқибатларини бартараф этиш» резолюциясини кўллаб-қувватлади.

Бу резолюция жаҳон ҳамжамиятини минтақанинг экологик муаммоларига

жалб этиш, Орол экологик инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳамкорликдаги ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда муҳимлиги таъкидланди. Айни чоғда, мазкур резолюцияда Ўзбекистон ҳукумати томонидан келишилган лойиҳаларни амалда жорий этиш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар ижобий баҳоланди.

Шунингдек, сессия кун тартибидан ЕХХТ маконидеги низоларни ҳал этиш, экология, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, сайлов жараёнини ташкил этиш бўйича тажриба алмашиш, қатор ташкилий ва кадрлар масалаларини ҳал этиш, жумладан, бюджетни тасдиқлаш ва бошқа масалалар ўрин олган.

ЕХХТ ПАдаги туркий тили давлатлар делегацияларининг учрашуви ҳам ўтказилди. Унда томонлар ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ва Ассамблея майдонидан миллий манфаатларни илгари суриш бўйича саяё-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни кучайтириш масалаларини муҳожама қилди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

Миллий контент халқимиз манфаатларига мос бўлиши керак

Бугунги кунда медиа маконда миллий контентни ривожлантириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан шу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб бораётди. Негаки, хозирги глобаллашув даври миллий манфаатларимизни ҳимоялаш, аҳоли, айниқса, ёш авлодни зарарли гоялардан асраб-авайлашни талаб этмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикилини таъминлаш масалалари кўмитаси мажлисида айни шу масала, яъни интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида атрофлича муҳожама қилинди.

Қайд этилганидек, юртимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди, 10 дан зиёд қонунлар, 150 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий контентни ривожлантириш мақсадида Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

«UZ» домендаги веб-сайтларда 2023 йил ва шу йилнинг олти ойи мобайнида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича 1049 та веб-сайт мониторинг қилиниб, 6241 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Қолаверса, миллий қонунчилик талабларига зид бўлган 19130 та материал мавжудлиги аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг мамлакатимизда оммабоп бўлган интернет платформалари маъмуриятлари билан яқиндан ҳамкорлиги боис ҳисобот даврида 13 миңдан зиёд амалдаги қонунчилик талабларига зид бўлган материаллар тарқатилишининг олди олинди.

Ўтказилган ўрганишлар жараёнида миллий контентни яратиш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган айрим масалалар мавжудлиги ҳам аниқланди.

Жумладан, телерадиоканалларни сифатли миллий медиа контент билан таъминлаш орқали аҳолида ватанпарварлик руҳиятини юксалтириш, маданий меросимизни ҳамда маърифатпарвар аждодларимизнинг ибратли фаолиятини, уларнинг бой меросини тарғиб этиш ишларини янада жадаллаштиришни даврининг ўзи тақозо қилмоқда.

Муҳожама жараёнида таъкидланганидек, айрим давлат ва нодавлат телеканалларда аудитория хоҳиш-истаги, ахборот манбаларига муносабатини аниқлаш, оммавий ахборот воситалари орқали фойдали контентни тарқатиш бўйича фуқаролар фикрларини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровномалар ташкил этиш ишларига етарли даражада эътибор берилмаган. Бадиий кенгашлар фаолияти билан боғлиқ муаммолар боис мазмунсиз лавҳалар эфирга узатилаётган ҳолатлар кузатишмоқда.

Таҳлилларга кўра ахборот маълумотини экспертизадан ўтказиш ва унинг ёшга оид таснифини аниқлаш ва тўғри белгилаш бўйича белгиланган тартибга амал қилинмаяпти. Масалан, ахборот маълумотининг ёшга оид таснифи кўрсатилмаслиги билан боғлиқ 42 та қонунбузилиш ҳолати қайд этилган.

Сенаторлар реклама маълумотлари тарқатилиши ва эфирга берилишида тил қоидаларини бузиб талқин этиш ҳолатлари учраб турганлиги, ижтимоий ахборот ва миллийликни тарғиб қилишга оид рекламалар сони кундан-кунга камайиб бораётганига ҳам эътибор қаратди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси «Реклама тўғрисида»ги қонунчилик талаблари бузилганлик ҳолати юзасидан ҳўжалик юривчи субъектларга 3518 та оғохлантириш ва кўрсатма киритилган бўлиб, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича 25 та субъектга нисбатан 529,4 млн. сўм миқдоридо молиявий жарималар қўлланилган.

Шулардан келиб чиқиб ййғилишда миллий контентни ривожлантириш доирасида жамиятнинг, айниқса, ёшларни текзор, ҳолис, сифатли ва фойдали маълумотлар билан таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди ҳамда тақлифлар билдирилди.

Мажлис ақунда кўрилган масала юзасидан Сенат кўмитаси тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Назорат-таҳлил фаолияти депутатлар муҳожамасида

Кейинги йилларда тизимда малакали педагог кадрларни тайёрлаш мақсадида қабул квоталари 2,5 бараварга оширилгани, мактабгача таълим йўналиши бўйича олий таълим бакалаврият босқичи 3 йил этиб белгилангани келтирилган.

Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда республикаимиздаги 71 та давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида соҳага оид педагог кадрлар тайёрланади.

Нодавлат ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотларида татбиқ этилган «Илк қадам» давлат ўқув дастури орқали таълим-тарбия жараёни ягона таълим дастурлари асосида олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, рақамли трансформация шароитида ота-оналарнинг мактабгача таълим-тарбия жараёнида фаол иштирок этиши ва педагогларнинг ўз-ўзини касбий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган «Болалик академияси» платформаси ҳамда ота-оналар учун болаларга уйда таълим беришга мўлжалланган «Биббо» мобил иловаи ўқув материали кўргазмали, изчил-манткий тарзда ҳавола этишни таълим муҳитида технологиялаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажлисда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича Мактабгача таълим агентлиги директорининг парламент сўровига жавоби депутатлар томонидан маълумот учун қабул қилинди.

35 та давлат хизмати «3 қадам» тамойили асосида соддалаштирилган

Маълумки, қўйи палата томонидан 2024 йил 31 май кўни Ўзбекистон рақамли технологиялар вазири Ш. Шерматовга «Электрон ҳукумат» тизимининг янги босқичига — «Рақамли ҳукумат» тизимига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги масала юзасидан парламент сўрови юборилган эди.

Мажлисда депутатлар мазкур парламент сўровига юборилган жавобни атрофлича кўриб чиқди.

Берилган жавобга кўра аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шартлолар яратиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 2024 йилда 71 та янги хизмат жорий қилиниб, умумий хизматлар сони 641 тага етказилган.

Шунингдек, 35 та давлат хизмати «3 қадам» тамойили асосида қайта кўриб чиқилиб соддалаштирилган. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида энг оммабоп бўлган — «Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгаришига рухсатнома олиш», «Наркология бўйича диспансердан маълумотнома», «Рухий касалликлар диспансеридан маълумотнома» ҳамда Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома» давлат хизматлари қайта кўриб чиқилиб, фақатгина бир қадам ёрдамида ундан фойдаланиш имконияти яратилган.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, 2024 йил январь — май ойларида портал орқали тақдим этилган хизматлар сони

13 миллиондан ошган. Шу билан бирга, давлат хизматларини кўрсатиш нукталарини кенгайтириш мақсадида 16 та тижорат банки, онлайн тўлов тизимлари ҳамда мобил операторларнинг мобил иловаларига 30 га яқин хизмат тақдим этилган. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишга туширилган «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида «бир одам — бир овоз» принципи асосида жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамига боғланган рақамларнинг фақат биттасидан бир марта овоз бера олиш имконияти яратилган.

Бундан ташқари, «edo.igo.uz» тизимига барча вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг 117 миңдан зиёд фойдаланувчиси уланган бўлиб, натижада 78 тоннага яқин қоғоз иқтисод қилинган ҳамда 900 млн. сўмдан

ёрлаш тизимини такомиллаштириш, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини қўшимча қўллаб-қувватлаш ҳамда барча олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Бироқ қўйи палата депутатлари томонидан сайлов округларида ўтказилган учрашувларда ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари тузилмагани, мавжудларида эса кенгашнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилмагани, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларида бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланган.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда вазирлик ва унинг тизимидаги олий таълим муассасалари ҳузурида жа-



ортақ маблағ тежалган.

Мажлисда парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича батафсил маълумот тақдим қилингани қайд этилиб, Рақамли технологиялар вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Жамоатчилик кенгашлари ва вазир масъулияти

Мажлисда Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ. Шариповга «Фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини ошириш масалаларида олий таълим муассасаларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш тўғрисида» Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, олий таълим соҳасида амалга оширилаётган иш-лохотлар, хусусан, яратилган шароит ва берилётган имкониятлар натижада етакчи хорижий олий ўқув юрталарининг филиаллари очилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда хорижий олий таълим муассасалари сони 29 тага, нодавлат олий таълим муассасалари сони эса 67 тага етди. Мазкур таълим даргоҳларида 355 226 нафар талаба таъсил олмақда.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорларида таълим соҳасида олиб борилётган ислохотларни чуқурлаштириш, педагог кадрлар тай-

моатчилик кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича олиб борилётган ишлар ҳолати, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича асосланган тушунтиришлар бериш ҳақида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирига парламент сўрови юборилди.

Қурилиш соҳаси коррупциядан қанчалик холи?

Мажлисда депутатлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. Зокировага «Қурилиш соҳасининг шафқофлигини таъминлаш ва қурилиш ишларини кузатиб бориш учун жамоатчиликка имконият яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда бугунги кунда қурилиш соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қурилиш билан шуғулланадиган ташкилотлар сони 2016 йилда 2 миңга ташкил этган бўлса, хозирги вақтга келиб, уларнинг сони қарийб 48 миңга етди. Бундан кўра, қурилиш соҳаси мамлакат ЯИМнинг ошishi ҳам сезиларли улушни ташкил этмоқда.



Шу билан бирга, қурилиш соҳасида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар ҳам мавжудлиги ўрганишлар жараёнида аниқланган. Жумладан, бугунги кунда интернет тармоғида мавжуд бўлган «Шафқоф қурилиш» порталидан фақат белгиланган вазирлик ва ташкилотлар фойдаланиши мумкин бўлиб, ундан фуқаролар ва кенг жамоатчилик фойдаланиши учун имконият яратилмаган.

Бундан ташқари, аҳоли пунктларининг бош режаларига оммавий ҳўжжат маконини бериш мақсадида «Геопортал» ахборот тизими яратилган бўлса-да, унда бош режалар бўйича фақат юзаси маълумотлар келтирилган, улар тўғрисидаги тўлиқ маълумотни олиш имкони мавжуд эмас.

Фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, объектларда аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш ва уларни ушбу соҳадаги назорат юзасидан ваколатли органларга юбориш имконини берувчи «Огоҳ фуқаро» тизимини яратиш бўйича ишлар самарали ташкил қилинмаган.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда депутатлар кўтарган масалада олиб борилётган ишлар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ҳақида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирига парламент сўровини юбориш бўйича қарор қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ишлар депутатларни қаноатлантирдими?

Мажлисда Фавқулодда вазиятлар вазири А. Қўлдошевнинг «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизнинг катта қисми сезиларли даражада иқлим ўзгариши таъсири доирасида бўлиб, бунинг оқибатида рўй бераётган фавқулодда вазиятлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, одамларнинг турмуш тарзи ва соғлиғига, шунингдек, иқтисодий объектларнинг барқарор фаолият олиб боришига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, тоғ ва тоғолди ҳудудларида рўй бераётган сел оқимлари, тошқинлар, кўчи ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг сони ҳамда кўлами

аҳолини ва ҳудудларни бундай ҳавфлардан муҳофаза қилиш чораларини кучайтиришни, давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг бу борадаги ҳамкорлигини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг бир қатор қарорлари ва фармонларида ушбу йўналишда муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ҳукуматнинг тегишли қарори асосида 2023 — 2030 йилларда табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлилиқни ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинган.

Парламент эшитувида таъкидланганидек, табиий офатларнинг олдини олиш, прогнозлаш, мониторинг қилиш, табиий офатлардан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш, етказилган зарарлар миқдорини камайтириш, хавfli ҳудудлардаги фуқароларнинг, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа объектларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина муҳандислик тадбирлари доирасида ўтган йилда 19 та хўжалик объекти ва 116 нафар фуқаронинг ҳаётига хавф бартараф қилинган.

Эшитувда депутатлар таҳлиллар соҳада айрим камчиликлар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатаётганини қайд этди. Хусусан, айрим вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимида бажарилаётган вазифалар, ҳудуднинг ўзига ҳос хусусиятлари, шунингдек, содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари тўлиқ яратилмаган.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашга доир тадбирлар, шунингдек, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб этиш ишлари етарлича самара бермаяпти.

Парламент эшитувида депутатлар томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини такомиллаштириш, тизимга замонвий бошқариш тамойилларини жорий қилишга қаратилган бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Кун тартибидоги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келиши олинди.

«Халқ сўзи».

